EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES
Innovative Academy Research Support Center
UIF = 8.3 | SJIF = 7.984 www.in-academy.uz



AFFAIRS PROBLEMS OF USING THE RESULTS OF OPERATIONAL INVESTIGATIVE ACTIVITIES IN CRIMINAL PROCEEDINGS

Ubaydullaev Kamoliddin Nuriddinovich
Lecturer at the Department of Operational Investigative Activities of the Academy of the Ministry of Internal
https://doi.org/10.5281/zenodo.10985881

ARTICLE INFO

Received: 09th April 2024
Accepted: 16th April 2024
Online: 17th April 2024

KEYWORDS

Operational investigative activities, criminal procedural legal relations, results of operational investigative activities, operational investigative activities, evidence, compliance with the law, investigative actions, initiation of a criminal case.

ABSTRACT

In the article, criminal-procedural legal relations in operational search activity, investigation from the results of operational search activity to investigation, use at different stages of the criminal process (trial and pre-trial proceedings), analyzes their conditions, problems arising in this process and talked about them elimination.

ПРОБЛЕМЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ РЕЗУЛЬТАТОВ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

Убайдуллаев Камолиддин Нуриддинович
Преподаватель кафедры оперативно-розыскной деятельности Академии МВД
https://doi.org/10.5281/zenodo.10985881

ARTICLE INFO

Received: 09th April 2024
Accepted: 16th April 2024
Online: 17th April 2024

KEYWORDS

Оперативно-розыскная деятельность, уголовно-процессуальные правоотношения, результаты оперативно-розыскной деятельности, оперативно-розыскные мероприятия, доказывания, соблюдение законности, следственные действия, возбуждение уголовного дела.

ABSTRACT

В статье рассмотрена уголовно-процессуальные правоотношения в оперативно-розыскной деятельности, использование результатов оперативно-розыскной деятельности, в доследственной проверки, в разных стадиях уголовного процесса (судебном и досудебном процессе), анализируются их условия, проблемы, возникающие в этом процессе и говорили об их устранении.

EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES
Innovative Academy Research Support Center
UIF = 8.3 | SJIF = 7.984 www.in-academy.uz

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Убайдуллаев Камолиддин Нуриддинович
ИИВ Академияси Тезкор-қидирув фаолияти
кафедраси ўқитувчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.10985881

ARTICLE INFO

Received: 09th April 2024
Accepted: 16th April 2024
Online: 17th April 2024

KEYWORDS

Тезкор-қидирув фаолияти, жиноят-процессул ҳуқуқий муносабатлар, тезкор-қидирув фаолияти натижалари, тезкор-қидирув тадбирлари, исботлаш, қонунийликка риоя этиш, тергов ҳаракатлари, жиноят ишини қўзғатиш.

ABSTRACT

Мақолада тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессул ҳуқуқий муносабатлар, тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан терговга қадар текширув, жиноят процессининг турли (ишни судга қадар юритиш ва суд) босқичларида фойдаланиш, уларнинг шарт-шароитларини таҳлил қилиш, бу жараёнда юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш ҳақида сўз юритилган.

Республикада жиноятчиликка қарши курашишда жиноятларни исботлашнинг замонавий усул ва методларини қўллаш, тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек қонуний манфаатларини таъминлаш, муайян турдаги жиноятларни тергов қилишнинг замонавий услубларини ривожлантириш каби муҳим вазифаларнинг ечими устида илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, бугунги кун амалиётининг объектив баҳоланиши ва унинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жиноятларни тергов қилишда тезкор-қидирув имкониятлари, унинг натижаларидан фойдаланиш институтини ривожлантириш, жиноий ишларни исботлашда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш устувор аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси асосида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жиноятчиликка қарши курашнинг тўғри ташкил этилиши, жиноятларни олдини олиш ва фош қилиш, жиноят содир этган шахслар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, бу борадаги барча куч ва воситаларни ишга солиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш каби бир қатор тадбирларнинг амалга оширилишини тақозо этмоқда. Бу ҳолат жиноятларга қарши

курашиш фаолиятида тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан унумли фойдаланиш ва уларни тартибга солувчи қонунчилик нормалари ва қонунни қўллаш амалиётини чуқур ва танқидий ўрганилиши зарурлигини намоён этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар муҳим ҳисобланиб, ушбу муносабатлар жиноят содир этилганлиги ҳақида ариза ва хабар келиб тушган вақтдан бошлаб, жиноят процессининг барча босқичларида жиноятни фош этишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида юзага келади. Яъни, тезкор-қидирув фаолиятининиг натижаларидан процессуал қарорлар қабул қилишда яъни, жиноят ишини қўзғатишдан рад этиш, жиноят ишини қўзғатиб, суриштирув ва тергов жиноят ишларини юритишда фойдаланиш тезкор-қидирув фаолияти ва жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради. Хорижлик ҳуқуқшунос олимлар тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессул ҳуқуқий муносабатлар тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан терговга қадар текширув, жиноят процессининг турли (ишни судга қадар юритиш ва суд) босқичларида фойдаланиш натижасида юзага келади деб ҳисоблашади.

Хусусан, М.П.Котухов, Н.В.Изотовалар, тезкор-қидирув фаолиятида жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар асосан жиноий суд ишларини юритиш чоғида тезкор-қидирув маълумотларни далил сифатида тақдим этилиши яъни, исботлаш жараёнини таъминлаш воситаси сифатида тезкор-қидирув тадбирларнинг ўтказилишида намоён бўлади, деб таъкидлашади[15].

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан исботлаш жараёнида фойдаланиш масаласи кейинги йилларда процессуалист, криминолог ва бошқа юридик соҳа олимлари томонидан турли тадқиқотлар ўтказиш учун долзарб мавзуга айланди. Мазкур олимларнинг барчаси ўз тадқиқотларида бу жараённи тартибга солиш учун жиноят процессуал ва тезкор-қидирув қонунчилиги қоидаларини мувофиқлаштириш заруриятига ўз эътиборларини қаратишган.

Кўриб чиқилаётган муаммони тўғри ҳал қилиш учун, авваламбор, исботлаш предметини аниқ белгилаб олиш зарур, чунки, терговчи далилларни текшириш бўйича бутун ишини ана шу асосда қура олиши керак. Агар исботлаш предмети аниқ белгиланмаган бўлса, исботлаш жараёнининг ўзи бузилади, чунки исботланадиган ҳолатларни танлашда аниқ мўлжал бўлмайди. Акс ҳолда ишга алоқаси йўқ ҳолатлар текширилиши мумкин, исботлаш жараёнининг ўзи эса чўзилиб кетади ва сансалорлик юз беради.

Қолаверса, исботлаш предмети доимий, қотиб қолган нарса эмас. Ахир, исботлаш давомида предмет ўзгариши, кенгайиши ёки аниқлашиши ва торайиши эҳтимоллари мавжуд, сабаби процесс давомида янги, илгари номаълум бўлган ҳолатлар вужудга келиши ёки ўз тасдиғини топмаслиги мумкин.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилганидек, «ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган

тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳуқуқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади»[1].

Исботлаш жараёнида, аввало, ишни ҳал қилишда қонунийликка риоя этиш, шахс ҳуқуқ-эркинликлари ва қонундаги манфаатлари кафолати сифатида далилларнинг мақбуллиги ва алоқадорлиги нуқтаи назаридан текширишга эътибор берилади. З.З. Зинатуллиннинг фикрича, “Тезкор-қидирув тадбирлари қонунда белгиланган барча қоидаларга риоя этган ҳолда ўтказилган ва унинг натижалари мустаҳкамланган бўлса, бундай йўл билан олинган маълумотлар баъзан исботлашда фойдаланилиши мумкинлиги, аммо далилларнинг бошқа турига (манбаси бўйича) тааллуқли қилиб фойдаланилиши мумкин”[6]. Масалан, жиноят иши қўзғатилгунча кўрсатуви олинган шахснинг кўрсатмаларига ариза ёки тушунтириш хати сифатида қаралиши мумкин. Бу борада Н.В.Сибилева “Қонунда белгиланган манбадан, лекин ушбу тергов ҳаракатини юритиш ҳуқуқига эга бўлмаган субъект томонидан олинган ахборот процессуал жиҳатдан мақбул далил сифатида тан олиниши мумкин эмас”, таъкидлайди[7] ва бу фикрга қўшилиш мумкин.

Далилни мақбул далил деб тан олиш шартларидан бири уларнинг жиноятпроцессуал қонун ҳужжатларида бевосита кўрсатилган манбалардангина олиниши кераклиги ҳисобланади. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида ушбу манбаларнинг рўйхати келтирилган бўлиб, гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатувлари ана шундай манбалар бўлиши мумкин. Агар далил қонунда назарда тутилмаган манбадан олинган бўлса, у номақбул далил ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, далиллар фақат қонунда назарда тутилган манбалардан олиниши мумкин. Бир қатор ҳолларда қонунда далилларни олиш манбаи аниқ кўрсатиб қўйилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 173-моддасида қайси маълумотлар фақат экспертиза ўтказиш йўли билан олиниши мумкинлиги аниқ кўрсатиб қўйилган. Уларга ўлим сабаблари ва етказилган тан жароҳатларининг хусусияти, ақли-ҳуши жойида эканлиги шубҳа туғдирганда - айбланувчи ёки гумон қилинувчининг руҳий ҳолати ҳақидаги ва бошқа маълумотлар киради.

Жиноят-процессуал қонунда далилларни тўплашнинг муайян тартиби белгиланган. «...исботлаш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатларнинг процессуал шакли аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, унинг ҳар битта бузилиши жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари бузилишига олиб келади» [1].

Далилни процессуал расмийлаштириш (мустаҳкамлаш) далилларни тўплашнинг мажбурий элементи бўлиб, амалдаги процессуал қонунда белгиланган меъёрлар асосида олинмаса, далил номақбул деб топилади.

Фикримизнинг тасдиғи сифатида Б.А.Раджабовнинг «...далилларни мустаҳкамлаш — исбот қилишнинг далилларни тўплаш босқичини ташкил этувчи элементидир» - деган фикрини келтириб ўтамиз. Айрим муаллифлар «...исбот қилишнинг далилларни тўплаш босқичини элемент сифатида эътироф этадилар»[9]. Лекин бу билан исбот қилишнинг мазмун-моҳияти ўзгармайди деб ўйлаймиз. Олимлар томонидан «...далилларни тўплаш деганда - турли хил далилларни топишга, мустаҳкамлашга, олиш ва сақлашга қаратилган ҳаракатлар мажмуаси тушунилади» деган фикрлар ҳам

мавжуд. Ушбу фикрга яқинроқ фикрни кейинчалик П.А.Лупинская, И.М.Гуткин ва А.Х.Рахмонқуловлар ҳам билдирганлар.

Аввало, тергов ҳаракатлари манфаатлари учун қўлланиладиган тезкор-қидирув фаолияти натижаларини таърифлаш лозим. Тезкор-қидирув фаолиятининг мақсадидан келиб чиқиб - бу жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида тезкор-қидирув тадбирлари ёрдамида қўлга киритиладиган ва тўпланадиган тезкор ахборотдир.

Мазкур масалада жиноят ишлари бўйича исбот қилиш давомида тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишнинг мавжуд методикасини таҳлил қилиш зарур.

Терговчи тезкор-қидирув фаолияти натижалари акс этган, тақдим қилинган ва талаб қилиб олинган материалларни жиноят иши бўйича тадбиқ қилишнинг қонуний йўлларига эга.

Биринчидан, процессуал-ҳуқуқий ва тактик қарорлар қабул қилиш:

а) жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида;

б) жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисида;

в) материалларни терговга тегишлилигига кўра юбориш тўғрисида;

г) ушлаб туришни ўтказиш ҳақида;

д) тергов қилиш ва айрим тергов ҳаракатларини ўтказишнинг тактика ва методикасига тегишли;

е) қўшимча тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш зарурати тўғрисида;

ж) тинтув ўтказиш тўғрисида;

з) фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш зарурлигини асослантириш учун;

и) хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини хабардор қилишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарорлар қабул қилишда ишлатиши.

Иккинчидан, жиноят иши бўйича далил сифатида фойдаланишга ҳақли. Бунда Ш.Иномжоновнинг «...жиноят ишлари бўйича исбот қилишда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишнинг методологик асоси бўлиб жиноят процессига далил сифатида кирувчи ахборотни тўплаш, текшириш ва баҳо бериш каби категориялар билан боғлиқ бўлган билим назарияси қоидалари хизмат қилиши лозим»[13] - деган фикрини келтириб ўтиш жоиз.

Зеро, ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари тезкор хизмат ҳужжатларида акс этади. Амалиётда уларнинг айримлари тезкор-қидирув тадбирлари баённомалари деб номланади. Табиийки, бу ҳужжатларнинг юридик табиати мустақил далил турларидан бири бўлган тергов ҳаракатлари баённомаларидан фарқ қилади.

Тезкор-қидирув тадбирлари баённомаларининг тергов ҳаракатлари баённомаларидан асосий фарқи шундан иборатки, тергов ҳаракатлари баённомалари асосида тегишли тергов ёки суд ҳаракати шароитида жиноят процесси иштирокчиларининг жиноят ишида аҳамиятга эга ҳолатлар ва фактларни бевосита идрок этиши ётади. Айнан шу натижалар жиноят процессида далиллар мазкур турининг мазмунини ташкил қилади.

Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар ва фактларни бевосита идрок этиш натижалари, шунингдек, тезкор-қидирув тадбирлари баённомаларини ҳам ташкил қилади. Лекин, мазкур бевосита идрок этиш процесс қатнашчилари томонидан ёки тергов ва суд ҳаракатини ўтказиш босқичида эмас, балки Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнида юз беради. У ва бу баённомаларни тузувчи субъектлар ўртасида ҳам фарқ бор. Гарчи Е.А.Доля «ишончли аргументлар келтирса ҳам, бундай нуқтаи назар, яъни субъектлар ўртасидаги фарқ унга, шубҳасиз кўринмайди». Унинг фикрича, «тергов ҳаракатларини ўтказишда холислар иштироки мажбурийдир, судда тўғри, бевосита идрок этиш кафолати бўлиб тарафлар иштироки, суд муҳокамасининг ошкоралиги майдонга чиқади, бу нарса тезкор-қидирув фаолиятида йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки бу унинг табиатига, унинг предметига, тамойиллари ва вазифаларига мутлақо зид келади» [4].

Бунда биринчи муаммо, бизнингча тезкор-қидирув тадбирлари натижаларини тегишли шаклда қайд қилган кўздан кечириш баённомалари, техник воситаларни қўллаш баённомалари, жисмоний шахсларнинг тушунтириш хатлари, ёзма аризалари, оғзаки аризаларни қабул қилиш баённомалари, турли ҳисобларнинг расмий маълумотномалари, сўров жараёни ва натижалари тўғрисидаги якуний маълумотномалар, хатланган ва ўралган намуналар, видео, фототасвир, аудиоёзув материаллари, сотиб олинган, ўралган ва муҳрланган товарлар, предметлар, ашёлар ҳақидаги якуний маълумотномалар деб номланувчи тезкор хизмат ҳужжатларининг кейинги тақдири қандай бўлади?, деган саволнинг ечимида амалдаги тартибга мувофиқ тезкор-қидирув фаолияти амалга оширувчи орган бошлиғи тезкор-қидирув тадбири натижалари акс эттирилган материалларни терговчига тақдим этиш тўғрисида тақдимнома чиқариб, бу материалларни терговчига ЖПКнинг 198 ва 200-моддаларига биноан тақдим килади. Терговчининг ўзи ҳам тезкор-қидирув фаолияти натижалари бўйича бу фаолият субъектидан материалларни ЎзР ЖПКнинг 199 ва 203-моддаларида белгиланганидек талаб қилиб олиши ҳам мумкин.

Терговга қадар текширув органи, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга тезкорқидирув фаолият натижаларини жўнатиш тартиби (почта орқали юбориш, шахсан қўлига ёки бошқа усуллар) алоҳида ҳар бир ҳолатда иш юритиш тартибини белгиловчи норматив-ҳужжатлар талаблари асосида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган томонидан танланади. Бу иккинчи муаммо.

Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунга мувофиқ ҳужжатлаштириш деганда, “тезкор-қидирув иш юритуви ишлари доирасида амалга ошириладиган маълумотларни тўплаш ва тизимлаштириш, тезкор-қидирув фаолияти натижаларини текшириш ва баҳолаш (18-модда), шунингдек уларнинг асосида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органнинг тегишли қарорларини қабул қилиш жараёни тушунилади”[2].

Тезкор-қидирув фаолияти натижалари юзасидан тўпланган ҳужжатларга жиноятпроцессуал қонунчиликка мувофиқ далилий ашё сифатида эътироф этиш учун тезкорқидирув тадбири натижасида олинган (тайёрланган) фотосуратлар, фонограммалар, видеоёзувлар, компьютер ахборот ташувчилар, чизмалар, режалар, схемалар, маълумотлар, шунингдек бошқа моддий объектлар ҳам илова қилиниши

мумкин. Илова қилинаётган материаллар, ҳужжатлар ва бошқа объектларнинг олинган вақти, жойи ва шароити тўғрисидаги маълумот жиноят аломатлари аниқланганлиги бўйича ёзилган билдирги ёки маълумотномада акс эттирилиши лозим. Кўрсатилган материаллар, ҳужжатлар ва бошқа объектларнинг якка (хусусий) белгиларини тавсифлаш зарур бўлганда маълумотномага алоҳида илова тарзида ифода этиш мумкин. Бу учинчи муаммо.

Тезкор-қидирув тадбирлари давомида олинган материаллар, ҳужжатлар ва бошқа объектларни суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга тақдим этишга, тайёрлаш ва расмийлаштириш вақтида тезкор-қидирув фаолиятини олиб борувчи идора томонидан уларнинг тўлиқлиги ва бутунлигини (деформациядан сақлаш, магнитланиш, нурланиш, ўчиб кетмаслик ва ҳ.к.) таъминлаш чораларини кўришлари лозим.

Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган материаллар, ҳужжатлар ва бошқа объектларнинг нусхаларини (кўчирмаларини), шунингдек энг аҳамиятли қисмларини (сўзлашувлар, сюжетлар) ягона ахборот ташувчига кўчириш орқали ҳам тақдим этишга рухсат берилади ва бу ҳақида тақдим этилаётган маълумотномада кўрсатилиши шарт.

Бундай ҳолларда тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган материаллар, ҳужжатлар ва бошқа объектларнинг асл нусхалари терговга қадар текширув, суриштирув, тергов идоралари ёки прокурор талабига кўра олинмаган бўлса, жиноят иши якунлангунга ва суднинг ҳукми қонуний кучга киргунга ёхуд жиноят иши тугатилгунга қадар тезкорқидирув тадбирларини амалга оширган органда сақланади. Мазкур ҳолат тўртинчи муаммо бўлиб, шу билан бирга асосий муаммони ташкил этади.

Мазкур муаммоларнинг хусусиятлари ҳақида сўз юритиладиган бўлса, тақдим этилган тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш, энг аввало, ўзида муайян ахборотни акс эттириши керак.

Жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал этиш учун тақдим этилаётган тезкор-қидирув фаолияти натижаларида жиноят аломатларини кўрсатувчи маълумотлар етарлича бўлиши, яъни: қаерда, қачон ва қайси жиноят белгилари аниқланганлиги, улар қандай шароитларда вужудга келганлиги, мазкур жиноий ҳодисани содир этган шахс ва гувоҳлар ҳақидаги ахборотлар, далилий аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган предметлар ва ҳужжатларнинг турган жойи тўғрисида, жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал этишдаги аҳамиятга эга ҳар қандай воқеа ва ҳодисаларни ўзида акс эттириши керак.

Тергов ҳаракатларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун тақдим этилаётган тезкор-қидирув фаолияти натижаларида - суриштирув, тергов органлари ва суддан яширириб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган, жиноят иши юзасидан ҳодиса ва воқеалар тафсилоти тўғрисида маълумотга эга булган шахслар, исботлашда фойдаланиш мумкин бўлган далил манбалари, аниқ муайян иши бўйича процесссуал ҳаракатлар ўтказишнинг ҳажмини ва тартибини аниқлаб олиш, тергов ҳаракатларининг энг самарали тактикасини танлаш, терговнинг мақбул услубларини тузиш учун зарур маълумотлар бўлиши керак.

Жиноят ишлари бўйича исботлаш учун тақдим этилаётган тезкор-қидирув фаолияти натижалари жиноят-процессуал қонунчиликнинг далилларга қўйилган талабларига жавоб берадиган ва уларни шакллантириш имконини берадиган маълумотларни ўзида акс эттирган бўлиши керак.

Ю.С.Пулатов ва А.К.Закурлаевларнинг фикрича «...ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тезкор-қидирув фаолиятидаги бу жараён жиноятга тайёргарлик кўраётган, содир этаётган, содир этган ва шу каби ҳолатларда шахсларнинг ноқонуний ҳаракатларини ҳужжатлаштириш сифатида қаралиши мумкин».

Режалаштирилган ишларини бажариш учун терговчи тезкор-қидирув фаолияти натижаларини тадбиқ қилишниг тегишли усулларига эгадир. Муайян тезкор-қидирув тадбирига қараб улар ўзларининг якуний мақомига эга бўладилар.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, тезкор-қидирув фаолияти натижалари уларнинг жиноят ишини исботлаш жараёнига қўшилиши нуқтаи назаридан Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун талабларига мувофиқ ваколатли органлар томонидан жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш, содир этиш ёки унинг изларини яшириш тўғрисидаги маълумотлари, уни тайёрлаётган ёки содир этган шахслар тўғрисида ЖПКда белгиланган тартибда терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органларига тақдим этилиши мумкин бўлса маълумотлар ва жиноят ишига тегишли бошқа ҳолатлардан иборат.

Шакллантирилган таъриф тезкор-қидирув фаолияти натижаларининг ўзига хос хусусиятларини далилларни шакллантириш учун асос сифатида акс эттирувчи қуйидаги хусусиятларни аниқлашга имкон беради:

- субъектнинг, ахборотни олиш учун асослар ва шартларнинг ЖПК талабларига мувофиқлиги;
- тайёрланаётган, содир этилган ёки содир этилаётган жиноят аломатлари, уни тайёрлаётган ёки содир этган шахслар, терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органларига тақдим этилиши мумкинлиги, шунингдек жиноят иши бўйича исботлаш предметига киритилган бошқа ҳолатлар тўғрисида фактик маълумотларнинг мавжудлиги;
- олинган маълумотларни тезкор ва расмий ҳужжатларда, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнида олинган буюмлар ва ҳужжатлар бириктирилган моддий ташувчиларда маҳкамлаш.

Жиноят ишлари бўйича исбот қилишда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш шарт-шароитларини таҳлил қилиш тадқиқ этилаётган муаммо моҳияти юзасидан қонуний ва асосли қарор қабул қилиш ва тавсиялар беришга имкон беради.

Шу сабабли бундай қарорда аҳамиятга эга ҳолатларни аниқлаш учун зарурий маълумотларнинг ишга алоқадорлиги ҳамда мазкур маълумотларнинг жиноят процессига кирувчи восита бўлиб хизмат қиладиган далил турини танлаш масалаларига бериладиган ижобий жавобларгина эмас, балки исбот қилишда тергов ва судда тегишли далилларни тўплаш ва шакллантириш, текшириш ва баҳо беришда зарур бўладиган маълумотларни тақдим этиш билан боғлиқ масалалар ҳам акс эттирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. https://lex.uz/docs/111460. *(мурожат вақти: 2024 йил 14 апрель).*
2. Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. https://lex.uz/docs/2107763. *(мурожат вақти: 2024 йил 14 апрель).*
3. *Убайдуллаев К. Н., Эргашев Ш. Т.* Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг айрим масалалари //Pedagog. – 2022. – Т. 5. – №. 7. – С. 778-782.
4. *Асракулов М. М., Машарипов Т. Э.* Сущность оперативной техники и правовая основа ее использования в борьбе с преступностью //Pedagog. – 2022. – Т. 5. – №. 7. – С. 770-777.
5. *Каримов В.* Тезкор-қидирув фаолияти ва инсон ҳуқуқлари. – Т., 2019.
6. *Зинатуллин З.З.* Уголовно-процессуальное доказывание: Учебное пособие. – Ижевск 1993.
7. *Мирсалихова, Г.* (2022). Ички ишлар органлари тезкор қидирув фаолияти тизимида амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислоҳотлар истиқболлари. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 2 (10 Special Issue), 214-217.
8. *Мухитдинов Ф.М.* Жиноят-процессуал шакл: назарий ва методологик муаммолар: Юрид. фан. док. дис. - Т., 2005.
9. *Раджабов Б.А., Турдиев Л.З.* Собирание доказательств в уголовном процессе Республики Узбекистан, – С. 62-66
10. *Убайдуллаев К. Н.* Айрим хориж давлатларида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ва тергов бўлинмаларининг ўзаро ҳамкорлиги масалалари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 70-78.
11. *Миренский Б.А., Асомутдинов А.Х., Камолходжаев Д.Ю.* Жиноят процессида далиллар назарияси муаммолари. - Т. 2002.
12. *Таштемиров А. А. и др.* Ҳуқуқбузарлик содир этилишининг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари //So 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 454-461.
13. *Иномжонов Ш.Х.* Жиноят-процессуал исбот қилишда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш муаммолари: Монография/Масъул муҳаррир ю.ф.д. Б.Х. Пулатов. - Т., 2005.
14. *Закурлаев А.К., Пулатов Ю.С.* Тезкор-қидирув фаолияти: ўқув қўлланма. – Т., ТДЮУ, 2014.
15. *Tashtemirov A., Po'latov A.* Ayollar jinoyatchiligining oldini olish chora-tadbirlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 75-78.
16. *Мирсалихова, Г. А.* (2022). Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда айрим процессуал тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзига хослиги. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 2(12 Special Issue), 141-146.